

“Биз бугунги вазиятга бефарқ әмасмиз”: саховатпеша тадбиркорлар сафи тобора кенгаймоқда

Айни кунларда коронавирус пандемиясининг салбий оқибатлари сабаб кўплаб оиласлар ёрдамга муҳтожлигини тўғри англаган ва бу вазиятга бефарқ бўлмаган, Ўзбекистон туманидаги саховатпеша тадбиркорлар ўз беминнат ёрдамларини кўрсатишда давом этишмоқда.

Туманда фаолият юритадиган “Нишонова Жаннатой” МЧЖ (раҳбари Маъруфжон Нишонов) ва “ASIA SMALL STONE” МЧЖ (раҳбари Ғайратжон Тўхташев) мутасаддилари синовни саховат билан енгишни мақсад қилиб, 11 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларини тумандаги хайрия марказига тақдим этди.





“Саховат ва қўмак” умумхалқ харакати доирасидаги мазкур хайрия ёрдами 160 литр ўсимлик ёғи, 240 кг макарон, 400 кг гурунч, 240 кг шакар, 400 кг картошка, 240 кг сабзи ва 240 кг пиёз каби бирламчи озиқ-овқат маҳсулотларидан иборат бўлиб, мазкур маҳсулотлар марказ орқали тумандаги эҳтиёжманд оиласларга манзилли етказиб берилади.

Коронавирус пандемиясига қарши курашиш ва унинг салбий таъсирини камайтиришда ўз хиссасини қўшган бу саховатпеша тадбиркорларга туман ҳокимлиги ва хайрияларни қабул қиласиган фуқароларимиз номидан чуқур миннатдорчилик изҳор этамиз.

[Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати](#)

2020-04-27 22:55:38